

А Ж Р И М

2023 йил июнь ойининг 02 куни жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди, Хонқа тумани, 18-сон умумий ўрта-таълим мактаби биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ж.Ахмедовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Мадаминовнинг котибалигида, тарафлардан Гурлан туман прокурорининг ёрдамчиси С.Матназаров, Гурлан туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи катта инспектори Э.Рўзметов ва маҳкум Р.Юлдашевнинг иштирокида, Гурлан туман ИИБнинг Юлдашев Рашид Алламбергановични озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини, 1-2206-2101/50-сонли иш ҳужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Юлдашев Рашид Алламберганович, 1982 йил 13 июль куни Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, жиноят ишлари бўйича Гурлан туман судининг 2021 йил 14 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 62-моддаси қўлланилиб, 2 йилу 9 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосига судланган, вақтинча ишсиз, Гурлан тумани, Навбахор маҳалласи, 1-уй, 25-хонадонда яшайди.

Гурлан туман ИИБнинг тақдимномасида, маҳкум Р.Юлдашевга тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Р.Юлдашев жиноят ишлари бўйича Гурлан туман судининг 2021 йил 14 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 62-моддаси қўлланилиб, 2 йилу 9 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосига судланган.

Гурлан туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи катта инспектори Э.Рўзметов суд мажлисида, Р.Юлдашев суд томонидан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг муайян қисмини ўтаганлигини, жазони ўташ даврида суд томонидан белгиланган чекловларни бузмасдан, уни ўташнинг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилиб келганлигини, интизомий жазо тариқасида огоҳлантирилмаганлигини, унга нисбатан ариза ва шикоятлар тушмаганлигини инобатга олган ҳолда Гурлан туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни сўраб, фикр билдирди.

Р.Юлдашев суд мажлисида, жиноят ишлари бўйича Гурлан туман судининг 2021 йил 14 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 62-моддаси қўлланилиб, 2 йилу 9 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосига судланганлигини, Гурлан туман ИИО Пробация гуруҳига чақиртирилиб, жазони ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилиб, тилхат ва тушунтириш хати



олинганлигини, жазони ўташ даврида жиноий қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жазодан тўғри хулоса чиқарганлигини айтиб, оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб жазодан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Прокурор С.Матназаров суд мажлисида, Р.Юлдашев тайинланган жазонинг қонунда белгиланган муайян муддатини ўтаганлигини, белгиланган чекловларга риоя қилиб, ҳеч қандай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги Гурлан туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни сўраб фикр билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандида, “маҳкум ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкин”лиги кўрсатилган.

Суд, тақдимнома ва иш ҳужжатларни муҳокама қилиб, прокурор С.Матназаров, Гурлан туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи катта инспектори Э.Рўзметовларнинг фикрларини ва Р.Юлдашевнинг кўрсатувини эшитиб, тақдимномани қаноатлантириш учун етарли асослар мавжуд деб ҳисоблайди.

Чунки, Р.Юлдашев жиноий қилмишининг оқибатини тўлиқ тушуниб етган, тайинланган жазодан тўғри хулоса чиқарган ва ҳозирги кунда яхши ҳулқи билан тузалиш йўлига ўтган, тайинланган озодликни чеклаш жазосининг 1 йил 4 ой 26 кунини амалда тўлиқ ўтаган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” банди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддасига асосланиб, Р.Юлдашевни суд томонидан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган 1 йил 4 ой 14 кунидан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси, ЖПКнинг 536-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Гурлан туман ИИБнинг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Юлдашев Рашид Алламберганович, суд томонидан тайинланган 2 йилу 9 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган 1 йил 4 ой 14 кунини ўташдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Юлдашев Рашид Алламбергановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисмида назарда тутилган қоидалар тушунтирилсин.



Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Гурлан туман ИИБ Пробация гуруҳига, маълумот учун Гурлан туман прокурорига ва ички ишлар органининг ахборот марказига юборилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка ичида ушбу суд орқали Хоразм вилоят судига хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ж.Ахмедов

